

ЁШЛАРДА ҲАЁТИЙ МАҚСАДЛАРНИ ТЎҒРИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ОИЛА ИНСТИТУТИНИНГ ЎРНИ

Каримов Санжар Синдоркулович

Жиззах давлат педагогика университети ижтимоий-гуманитар
фанларда масофавий таълим кафедраси катта ўқитувчиси

Тел: +99890-229-18-15

Аннотация:

Мазкур мақолада оила ва оилавий қадриятларнинг ёшларда ҳаётий мақсадларнинг шаклланишидаги аҳамияти ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Оила, ижтимоий институт, қадрият, шахсий қадрият, мақсад, ҳаётий мақсад, эҳтиёж, манфаат, детерминант, ижтимоийлашув.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохатлар жараёнидаги жамиятда устувор бўлган ғоялар ва стереотипларнинг тубдан янгиланиши билан боғлиқ бўлган мураккаб ижтимоий ўзгаришлар шароитида ёшларнинг ҳаётий мақсадларини ва уларга асосланган ҳаётий стратегияларни тўғри шакллантириш энг муҳим умуммиллий вазифалардан бири ҳисобланади.

Бу вазифаларни ҳал этишда айниқса ёшларнинг дунёқарашини шакллантирувчи институционал тизимларининг аҳамияти беқиёсдир.

Оила – ҳар бир халқ ва миллатнинг давомийлигини сақлайдиган, қадриятлар барқарорлигини таъминлайдиган, янги авлодни дунёга келтириб, уни жисмонан ва маънан баркамол қилиб етиштирадиган ижтимоий институтдир.

Оила шахсийлик ва ижтимоийлик бирлигидан иборат. Унинг шахсийлиги, нисбий мустақиллиги ҳар бир оиланинг ўз мақоми борлиги билан характерланади. У ўз хўжалигини юргизишда мустақил. Ўз тақдирини ўзи белгилайди, унга биров ташқаридан зўрлик билан аралаша олмайди. Шу билан бирга у жамиятнинг кичик бўлаги бўлганлиги учун ҳам жамиятдан холи, алоҳида яшай олмайди. Шу маънода оила ижтимоий ҳодиса бўлиб, унга ижтимоий институт, ижтимоий гуруҳ деб қараш мумкин. Унинг манфаатлари жамият манфаатлари билан мос тушади. Оила бир қатор ижтимоий фойдали функцияларни бажаради, ўз аъзоларининг жисмоний ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилади. Оиланинг ижтимоий аҳамиятини англаб етмаслик, уни мутлоқо шахсий иш деб қараш жамият манфаатларига зарар еткази, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар орасида юксак инсоний фазилатларга асосланган



хаётий мақсадларнинг шаклланишига халақит беради. Шу маънода, жамиятимизнинг равнақи оила фаровонлиги билан боғлиқ. Ўзбекистонда оиланинг ўзига хос томонларидан бири уни ташкил этадиган оила аъзоларнинг кўп сонли эканлигидир. Уларда турли авлод вакиллари бирга яшайди. Шундай оилалар борки, уларда ўнлаб фарзандлар тарбияланади. Бу эса болаларни тарбиялаш, уларни умуминсоний кадриятлар, анъаналардан баҳраманд қилиш, билим даражасини ошириш уларда умуммиллий мақсадларга мувофиқ хаётий мақсадларни шакллантириш учун қулай шароитлар яратади. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев: “Оила биз учун муқаддас. Унинг муқаддаслиги шуки, авваламбор, қаерда ишлашидан қатъий назар, ким бўлишидан қатъий назар, агар оилада тарбия, оилада муҳит, оилада ҳалоллик, муносабат, тарбияга алоҳида эътибор бермаса, ҳеч қачон натижа бўлмайди¹” – деб фикрини билдиради.

Республикамизда бу соҳада олиб борилаётган оила ва ёшлар сиёсати, ўтказилаётган турли тадбирлар, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга тадбиқ этиш учун кўрилаётган чоралар, мутасадди ва нодавлат ташкилотларнинг фаолиятлари ёш оилаларни мустаҳкамлаш ҳамда соғлом авлодни тарбиялашнинг воситаси ҳисобланади. Давлатимизнинг бу соҳада олиб бораётган сиёсати, унинг моҳиятини халққа тушунтириш турли услубларда олиб борилади. Улар – мактаб ва турли ўқув масканларининг дастурига киритиш, ёшлар, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мавзусига оид монография, китоб, рисоалар чоп этиш, матбуот, радио-телевидение орқали эшиттириш-кўрсатувлар олиб бориш, мутахассисларни тақлиф этиб давра суҳбатлари олиб бориш, жойларда семинарлар уюштириш, илмий анжуманлар ўтказиш кабилардир.

Ўзбек халқининг энг қадимий даврлардан бошлаб ҳозирга қадар давом этиб келаётган, ўз аҳамиятини ҳеч қачон юқотмайдиган ажойиб кадриятларидан бири ота-онани юксак даражада эъзозлаш, иззат-икромини, хурматини жойига қўйишдан иборатдир. Халқимизнинг оила ва оилада фарзанд тарбияси билан боғлиқ азалий анъана ва кадриятлари жамиятимизнинг ҳуқуқий асосларида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

Жумладан, Конституциямизда ҳам фарзандларнинг жамият, оила, ота-оналари олдидаги инсоний бурчлари ва масъулиятлари нималардан иборатлиги миллий кадриятларимиздаги асосий ғоя ва қоидаларга асосланиб белгилаб

¹ Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳужжатли фильмда оиланинг ҳаётидаги ўрни ҳамда нима уни бахтли қилиши тўғрисидаги нутқидан. 2018 йил 24 июнь. <https://www.gazeta.uz/uz/2018/07/25/prezident/>



берилган. Унинг 80-моддасида қайд қилинишича, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхурлик қилишга мажбурдирлар².

Ўзбекистон Республикасининг “Оила кодекси”да: “Ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт. Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт”,³ эканлиги белгилаб қўйилган. Дарҳақиқат, ўзбек оиласи фарзанд тарбиясида ўзининг бой тажрибаларига эга. Ёшларни ўзларининг мустақил фикри, позицияси ва жамият учун фойдали бўлган ҳаётий мақсадларга эга шахс сифатида шаклланишида ҳам худди шу тажрибалардан унумли фойдаланишга эҳтиёж тараққиётнинг барча даврларида ҳам мавжуд бўлган. Бу тажрибалар айниқса 20 асрнинг биринчи чорагида фаолият юратган жадид маърифатпарварларининг оила тарбиясига оид ғояларида яққол ифодаланади. Жумладан, Абдурауф Фитрат “оилада авлодлар тарбияси махсус амалга оширилиши керак. Бу оиланинг муқаддас вазифаси бўлиб, ота-она ўз фарзандини соғлом танли, соғлом фикрли ва соғлом ахлоқли қилиб вояга етказиши керак” эканлигини, ахлоқий тарбиянинг мазмунини “инсонни комил, чиройли ахлоқ эгаси ва жамиятга фойдаси тегадиган инсон қилиб шакллантириш⁴” дан иборатлигини таъкидлайди. Фитратнинг оила тарбиясига оид фикрларини ўрганар экан Оилада ахлоқий тарбия олиб боришда ота-оналар болада болада уч фазилатнинг шаклланишига эътибор қилишлари керак, булар: Инсонийлик, замонавийлик ва фидойилиқдир⁵ деб ёзади тадқиқотчи Шоира Абдужалилова. Бизнингча, айнан ушбу хусусиятлар ёшларда ҳаётий мақсадларни тўғри шакллантириш учун ҳам аҳамиятлидир. Оилада бериладиган тарбия ўз моҳиятига кўра миллий хусусиятларни намоён этиш билан бирга ижтимоий мақсадларнинг амалга ошишига ҳизмат қилади⁶. Хусусан, Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар рисоласида оиланинг жамиятда тутган ўрни, унинг ёшлар тарбияси, хусусан уларнинг мафкуравий тарбиясидаги ўрни масалалари ифодалаб берилган. Чунончи, Оила мафкуравий тарбиянинг энг муҳим ижтимоий омилларидан биридир.

² Ўзбекистон Республикаси конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145#6445716>

³ Ўзбекистон Республикасининг оила кодекси. 73 моддаси. <https://lex.uz/acts/104720>

⁴ Фитрат. Нажот йўли. 154 бет

⁵ Абдурауф Фитратнинг оила тарбиясига оид қарашлари. Абдужалилова Ш. А. Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент. 2005. 52-бет

⁶ Оилада миллий тарбия жараёнининг методик асослари. Мухсиева Азиза шамсиддиновна. Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 3-бет.



Чунки оила – жамиятнинг негизи бўлиб, кўп асрлик мустахкам маънавий таянчларга эга. Миллий мафкурамизга хос бўлган илк тушунчалар, аввало, оила муҳитида сингдирилади. Бу жараён боболар ўгити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади.

Оиладаги соғлом муҳит – соғлом мафкурани шакллантириш манбаидир. Жамиятда ҳар бир оиланинг мустахкамлиги, фаровонлиги, ўзаро ҳурмат ва аҳилликни таъминлаш – миллий мафкурада кўзда тутилган мақсадларни амалга оширишда таянч бўлади⁷”. Демак, оиладаги тарбия жараёнида ёшларнинг ҳаётий мақсадларининг шаклланиши ва бу мақсадларнинг ижтимоий мақсадларга мувофиқ шаклланишида ҳам дастлабки омил бўлиб хизмат қилади. Аммо, баъзи ҳолатларда оилаларда ота-оналарнинг кенг дунёқараш, муайян ҳаётий тажриба, шунингдек, ҳаётий мақсадлар тарбиясини самарали йўлга қўйиш борасидаги назарий ва амалий билимларга етарли даражада эга эмасликлари ёшларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҳаётий мақсадларнинг етарли даражада шаклланмаслигига сабаб бўлиб қолмоқда.

Жадид маърифатпарварлигининг йирик намоёндаси Абдурауф Фитрат ўзининг «Оила» асарида ёзганидек, «Миллат тақдири мана шу миллат вакиллари яшаган оиланинг ҳолатига боғлиқдир. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади»⁸. Фитрат ўз фикрини давом эттириб, «агар бир мамлакат аҳолиси ахлоқсизлик ва жоҳиллик билан оилавий муносабатларни заифлаштириб юборса ва интизомсизликка йўл қўйса, шунда бу миллатнинг саодати ва ҳаёти шубҳа остида қолади»⁹, – деб ёзади.

Бу фикрларнинг мазмуни шундан иборатки, шахс баркамоллигини таъминлаш учун аввало оилада маънавий муҳитни тўғри шакллантирмоқ зарур. Айни пайтда оиладаги маънавий муҳитнинг бирламчи асосини ахлоқийлик ташкил этишини унутмаслик лозим. Юксак ахлоқий фазилатга эга шахсда ўзликни англаш, миллий ғурур ва нафсоният устувор аҳамият касб этади. Шу маънода ўзликни англаган киши инсониятнинг бир, ягона моҳиятга эга эканлигини ва ўзгалар ҳаётига дахл қилиши ўзи учун ҳам зарарли эканлигини англаб етади¹⁰. Шахс ижтимоий фаоллигининг асосий дитерминанти бўлган ҳаётий мақсадлар учун асос бўладиган дастлабки тушунчалар, тасаввурлар ва билимлар оиладаёқ шакллана бошлайди. Зеро, ўз манфаатларини жамият ва давлатнинг

⁷ Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.Ўзбекистон.2000 й. 66-бет.

⁸ Фитрат. Оила. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б. 3.

⁹ Фитрат. Оила. – Тошкент: Маънавият, 1998– Б. 8.

¹⁰ Қаранг: Қахорова М. Маънавий идеал.– Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 9.



умуммиллий манфаатлари билан уйғун ҳолда тасаввур қиладиган ижтимоий фаол шахсининг шаклланиши, ватанпарварлик, миллатпарварлик, фидойилик, инсонпарварлик хусусиятларини тарбиялаш аввало оиладан бошланмғи шарт. Юртимизда оила энг асосий кадрият эканлигини инобатга олсак, бу соҳадаги тарбиявий ишларнинг нақадар аҳамиятли эканлигига амин буламиз.

Оиладаги ҳар бир ўринли ёки ўринсиз ҳатти-ҳаракат унда ўсаётган авлод тарбиясига таъсир ўтказмай қолмайди. Худди шу таъсирни ижобий жараёнга йўналтиришда оиладаги маънавий муҳитнинг учинчи асоси – маърифийлик, оила аъзоларининг муайян билими, маданияти қай даражада эканлиги кўп нарсани белгилайди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ҳар бир ота-она оилада шу жамиятнинг бўлажак аъзоларини тарбиялайди. «Барча даврларда ота-оналарнинг катта ҳаётий тажрибаси, бир-бирига ҳурмати, садоқати, муҳаббати, ҳамфикрлиги, имонлиги, меҳнатсеварлиги, оилапарварлиги фарзандлари учун камолот мактаби бўлган. Бу мактабда барча бир умр унутилмайдиган, эътиқодига чуқур сингадиган сабоқ олган»¹¹. Зеро, тарбияланувчиларнинг ақлан ва жисмонан баркамоллиги жамиятнинг маънавий-ахлоқий даражасига бевосита дахлдор бўлади. Аксинча, бебош, ахлоқсиз бола ўзининг ҳатти-ҳаракатлари билан оиласига, жамиятга ташвиш олиб келади. Чунки, оила - жамиятнинг асосий бугини. Оилада сингдирилган тарбия, Ватан, эл-юрт, мустақиллик, озодлик ҳақида берилган тушунча, тасаввур боланинг мурғак қалбида бир умр мухрланиб қолади. Оила мусахкам, тинч, фаровон, соғлом бўлсагина, жамиятда барқарорлик вужудга келади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳужжатли фильмда оиланинг ҳаётидаги ўрни ҳамда уни бахтли қилиши тўғрисидаги нутқидан. 2018 йил 24 июнь. <https://www.gazeta.uz/uz/2018/07/25/prezident/>
2. Ўзбекистон Республикаси конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145#6445716>
3. Ўзбекистон Республикасининг оила кодекси. <https://lex.uz/acts/104720>
4. Абдурауф Фитратнинг оила тарбиясига оид қарашлари. Абдужалилова Ш. А. Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент.2005. 52-бет
5. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.Ўзбекистон.2000 й. 66-бет.

¹¹ Юсупов Э., Юсупов У. Оила – маънавий булоғи. – Тошкент, 2003. – Б. 47.



6. Фитрат. Оила. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б. 3.
7. Қахорова М. Маънавий идеал.– Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 9.
8. Юсупов Э., Юсупов У. Оила – маънавият булоғи. – Тошкент, 2003. – Б. 47.

